



мен билан иттифоқи бузилган тонфадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир холи жойга чорлаб, ҳар қайси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга хирс куйган очкўз ва тамагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирига [ҳокимлик] қилишга номзод қилиб кўрсатдим. Уларнинг ҳаммасини умид ва қўрқинч орасида сақладим. Ҳар бирга биттадан ноиб ва кутвол¹ тайинладим.

Қолган лашкарларни ҳам емак-ичмак (луқма) ва кийим-кечак (хирқа)² билан умидвор қилдим, ширин сўз ва очик юз билан уларни ўзимга ром этдим. Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим. Натигада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тексари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди. [Ҳар ерда] ва ҳар ишда бирлик-иттифоқликни қўлдан бермасликка, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар.

Лашкардан кўнглим тинчлангач, Илёсхожага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва қай йўсинда уруш олиб боришим ҳақида қилган кенгашим шу бўлдики, ғанимлар хабардор бўлиб улгурмасдан, чаптастик билан уларнинг устига қўққисдан босқин қилиш (турктоз)га қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони масжиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима (улуғ) чиқди: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган»³

Ушбу башоратни топангидан кейин лашкаримни тартибга келтирдим, уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим. Тонг ёриша бошлаганда [Туғлуқ-Темурхоннинг] ҳиравули бўлиши Туғлуқ сулдус ва Кайхусравга етишдим. Икки ҳамла билан уларни енгдим ва Илёсхожа жойлашган Пули сангин (Тош кўприк) гача қувиб бордим.

Оқшом тушгач, етган еримизда тўхтадик. Жанг майдони совиб қолмасдан, қизигида Илёсхожага қарийб ўттиз мингдик лашкари устига тўсатдан босқин қилишга қарор қилдим. Бордию [юришни] тўхтатсам ва бирон кор-хол юз бергудек бўлса, унинг иложини топиш учун [ўзгаларнинг] кўмагига муҳтож бўлиб қолишим мумкинлигини тўғри-сида ўй сурдим. Орқадан Амир Ҳусайн [лашкарни билан] мени қўллаб-қувватлаб келаётган бўлса ҳам, бироқ мей ўзимни унинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолиш даражасига етказмадим. Тўғри чораю тadbир ишлатиб, Илёсхожа лашкарици синдирдим.

21.

ЖЕТЕ ВА ИЛЕСХОЖА ЛАШКАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ҲАҚИДА ҚИЛГАН УН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Биринчи навбатда Илёсхожанинг барча зафарли фавжларини бир жойга боғланган ҳолда ушлаб туришга қарор қилдим. Шу мақсадда амир Муайяд орлот⁴, Учқора-баходир, Амир Мусо бошчилигида икки минг отлик аскаримни Илёсхожа рўбарўсидаги кўприк ёнига жойлаштирдим. Ўзим бўлса беш минг отлик билан Илёсхожа қўшини теспашди жойлашган тоққа чиқиб ўрнашдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқишни буюрдим. Жете сипоҳийлари тоғдаги кўп гулханлар, қаршиларда Пули сангин бошида турган лашкаримнинг катта фавжини кўриб, кўрқундан саросимга тушиб қолдилар. Уша туни Илёсхожа қўшини «жангга ҳозирлан!» буйругини кутиб [уйқусизликда] ўтказди. Мен туни билан тоғ устида ухламай тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожиз-муҳтож бандасига малад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалам, унинг ақиллари ва саҳобаларига саловат айтиш билан машғул бўлидим. Ярим уйку ва ярим уйқоқлик орасида қуллогимга аллакимнинг: «Темур, фатху зафар сенга ёр бўлади!» — деган овози эшитилди. Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим. Шу вақт қарасам, Илёсхожа ўз амирлари билан отланиб, фавж-фавж бўлиб кетаётди. Амирларим ва сипоҳийларим уларнинг кетидан қувиш қасдида мендан буйруқ беришимни илтимос қилдилар.

¹ Кутвол — қалъа коменданти.
² Хирқа — бу ерда умуман уст кийим маъносида; дарвинларнинг маъноси уст кийими ҳам шу ном билан аталган.
³ Қуръон, 2-сура, 249-оят.
⁴ Турк-мўғул қабилаларидан.

22.

ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ КОНКУРСИГА



Ҳаммаёқ оқ либосга бурканди. Абдувоҳид ТУРАЕВ.

Сарой ашёлари кўргазмаси

Бухоро Амирининг ёзлик боргоҳи-Ситораи Моҳи Хо-сада очилган кўргазма ўтмишда машҳур усталар ясаган ашёлар билан танишиш имконини беради. Унда турли хонтахталар, ўриндиқлар ҳамда Амир ва унинг оила-сига қарашли бошқа анжон-лар намойиш қилинмоқда.

Кўргазмага қўйилган буюм-лар усталарнинг эзур маҳорати-ни, шунингдек, Бухоро ҳукмдорининг диний акс эттирди. Ўзбекистон тажриба ил-ми-таъмирлаш бадиий уста-сонига мутахассислари са-рой ашёларини таъмирлаб, янгилаб бердилар. Улар Амирининг тахтини ҳам таъ-мирладилар. Тез орада бу ерда бошқа буюмлар ҳам намойиш қилинади. Уста-лар сарой ашёларини таъ-мирлашни давом эттириш-моқда. (ЎзА).

Олий таълим: ўзгаришлар даври

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги босқичида ва истиқбол тараққиётида яқинийим ҳақда умумий-солий аҳамиятта мولى бўлган долзарб вазифа-лардан бири республикамизда ҳақиқий ҳаётини янги-ни, техникаси ва технологияси, ишлаб чиқариш ва бошқариш маданияти даражасига олиб чиқишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Республикаимиз Президент ва Вазирлар Маҳкамаси-нинг махсус кўрсатмасига мувофиқ кўлаб олий ўқув юр-тлари қатори бизнинг университетда ҳам ўтган йил қабул имтиҳонлари тест синовлари усулида ўтказилди. Бу йўлни маорифчилар, ота-оналар, жамоа вакиллари ва абитуриентлар қизғин қўллаб-қувватладилар.

Орзуи ушалди. Адолат ҳам бўр экан-ку! Минг раҳмат. Чортоқ район Короскан қишлоқ кенгашига қарашли 3-ўрта мактаб директори Шохмуҳаммад Шожалилов-нинг сўзлари ҳам эътиборга лойиқ. — Ўн йилдан ортқ мак-табда директорлик қиламан, — деди у. — Ҳар йили мактабни тугатган ўқувчи-ларим тақдир билан қизиқа-ман. Бу йил ҳам 4 киши

Олий ўқув юр-тларида тест синовларининг ўтказилиши, бу — дастлабки қадам, илк тажрибадир. Шу боис биз тест синовларини тўғри ўткази-шининг барча чора-тадбир-ларини пухта ишлаб чиқдик

Тест синовлари учун мах-сус жиҳозланган хоналар, абитуриентлар учун барча зарур шарт-шароитлар ҳо-зирлаб қўйилди. Бу борада университетнинг физика, ма-тематика, сиёсий тарих, Ўз-бек адабиёти, биология ва бо-шқа мутахассислик ка-федралари томонидан ўрта мактаб педагогларини асо-сида таъминий тест савол-жавоблари ишлаб чиқилди ва рисола шаклида нашр этилди. Ўзгаришлар консултан-циялар чоғида ана шу тест савол-жавобларидан атроф-лича фойдаландилар.

Бундан ташқари, тест си-новларини топширишнинг техник томонлари ва метод-ikasi бўйича ҳар бир абиту-риент билан яқна тарафда тушунтириш суҳбатлари олиб боришга тўғри келди. Қабул комиссияси махсус котибининг тест синовлари бўйича ўринбосари Муҳам-маджон Юсупов абитуриент-ларга тест варақаларини тўлдирариш нимагадир эъ-тибор бериш зарурлиги ҳа-қида маслаҳатлар бериб борди.

Авалги йилларда инсти-тут оқимларининг бир қис-ми ёғи дам олиш таътили-га чиқмай, кириш имтиҳон-лари олишга жалб этилдилар. Ўтган йилда эса кўп вақт-дан буён биринчи марта профессор-ўқитувчиларимиз имтиҳонларда қатнашмай, ёғи таътилга чиқиб, кўн-гилдагидек дам олдилар. Тест синовларини ўтказишга биронта ҳам ўз муаллим-ларимизни иштирок эттир-мадик. Тест—синов комис-сиясининг қарорига муво-фиқ вилоятдаги ёшлар кў-миталарининг вакиллари ва турли соҳа мутахассислари-

ТЕСТ АСОСИДАГИ ҚАБУЛ—АДОЛАТ МЕЗОНИ

М. МАМАТОВ, Наманган Давлат университети ректори, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон республикаси Давлат мукофотининг совирдори.

дан иборат 120 нафар ки-шини мазкур масъулиятли-нига жалб этдик. Улар биз-га яқиндан амалий ёрдам бердилар. Тест-синов натижаларини эъ-лол қилиш, тақлиф-муло-ҳазаларни ўрганиш учун махсус ҳайъат тузилди. Шу кунги ёшлар ва ота-оналар тест-синов натижаларини тў-ла билиш имкониятига эга бўлдилар. Университетнинг ички ва ташқи ҳовлисига 8 мингдан зиёд одам тўплан-ди. Ота-оналар ва ёшлар бир-бирларини қўтлашар, ян-ги тест усулидан хурсанд бўлишар, бу усул ижодкор-ларига миннатдорчилик бил-диришар эди. Ўзгаришлар тақлиф-мулоҳазалар шу кун-ни қабул қилиш имтиҳонлари-ни қабул қилиш Марказига жўнатилади. Ўқишга кирган ўғил-қизларнинг севинчи текис эди. Уша кун ол-димга бир қиз келиб, ўзини таништирди: — Домла мумкинми, Сизга мурожаат этсам? Исмим Муяссар. Уйчи райо-ниданман, — деди у. — Сизнинг олдингизга журъат эт-иб келганим учун кечира-сиз. Ўзбек тили ва адабиё-ти факультетига кирдим. Энг юқори бал олдим. Ол-тин медал соҳибасиман. Ўт-ган йили ўқишга кира олма-ган эдим. Бу ҳолат изтиро-бини фақат ўзим билман.

олтин медал соҳиб бўлди. Туртовни ҳам ҳаммадан яхши ўқиган, одолий, меҳ-наткаш одамларнинг фар-зандлари эди. Тест усули ўқувчиларим билимининг си-нов берди. Университетнинг чет тили факультетига Ҳамроева Мунис, Ўзбек ти-ли ва адабиёти факультети-га Иброҳимова Нодира кир-ди. Мазмунова Мадина Фар-гона Давлат университетига кирди. Ленин аянчанг жой-им ҳам бор. М. исми ўқув-чи медалистлар орасида ҳам энг кучлиси эди. У Андижон медицина институтига эски усулдаги имтиҳон билан кирди олмади. Агар у ерда ҳам тест усули бўлганда, сўзсиз кирарди. Мен бунга ишонардим. Коса тағида ним коса бўлса керак, домла. Тест бўли — ҳақ йўли, ҳа-лоллик йўли эканлигига ишончим комил. Мактаб директори кўп ки-шиларнинг фикрини ифо-да қилди. Яна бир мисол. Вилоятимиздаги анча ну-фузли район халқ маорифи бўлими мудиридан бири-нинг қизи бу йил бизнинг университетга киролмади. — Менинг қизим, — де-ди маорифчиларнинг катта би-ри йигилишида ҳалиги му-дир, — тест синовларида юқори бал ололмади. Қи-зимдан «Рост айт, қизим,

Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари олдиран

РАССОМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси санъаткорлари, театр-лар, ашула ва рақс дасталари ва бошқа ижодий жамоа-лар билан биргаликда республика рассомлари ҳам ма-даният кунларига пухта ҳозирлик кўришмоқдалар. Ҳозирги ўтадиган маданият кунлари Ўзбекистон Республикаси-нинг мустақилликка эришганидан кейинги биринчи ма-даният кунларидир. «Тошкентда бўладиган маданият кунларига республика рассомлари қандай совғалар билан борадилар?» — Шундай савол билан Қорақалпоғистон Республикаси Рассомлар уюшмаси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистонда хизмат қўратган санъат арбоби Жўдлубой ИЗЕНТОВЕга мурожаат қилдик.

— Рассомларимиз мада-ният кунларига тайёргарлик ишларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар, — деди у. — Улар бош-лаган ижодий меҳнатларини ниҳоятга етказишда сўнги ишларни олиб бормоқдалар. Асарлар орасида республи-камизнинг ўтмишдаги ва ҳо-зирги турмушини акс эттир-ган аjoyиб ҳайкаллар, расмлар, портретлар бор. Маданият кунларида рас-сомларимизнинг улкан кўр-газмасини ташкил этиб, рес-публика рассомлари уюш-маси 40 дан кўпроқ ижодий асарини тошкентликларга кўр-сатди. Кўргазмада ҳай-калтарошларимизнинг меҳ-натига ҳам кенг ўрин берил-ган.

Қизиги шундаки, кўргаз-мага қўйилган ҳайкал-ларнинг кўчилиги кўриб бораётган Орол денгизининг Лаверово оролидан олин-ган тошлардан ишланган. Ана шу боёқхо бойлигига бўлган тошлар ҳайкаллар иш-лашда жуда яхши мате-риаллар ҳисобланади. Кўргазмада тасвирий санъ-ат асарларига ҳам кенг ўрин берилган. Булар ораси-да Бердақ номидagi Дав-лат мукофоти лауреати Во-зорбой Серекевнинг «Овул болалари» асари, Албина Шпаденгиз пейзажлари, Ис-лом Жаҳишбековнинг «Сувга борган қиз» картинаси, Узоқ-бой Сапаровнинг «Жийда терув» асарлари диққатга



сазovorдир. Абдулла Ерим-бетовнинг «Баҳор», «Қиз-кетган бўйида» ва бошқа асарлари тошкентлик дўста-ларимизга маъқул бўлади, де-ган умиддамиз. Республикаимиз пойтахти — Нукус шаҳрининг 60 йиллик байрами кенг иш-шониланган. Рассомларим-из ҳам ана шу юбилейга аjoyиб совғалари билан қатнашган эдилар. Ана шу асарларнинг энг яхшиларини маданият кунларига тай-ёрламоқдалар. Бу асарлар икки халқнинг қардошлиғи-ни, дўстлигини тарағлум-этади. Маданият кунлари биз, рассомлар учун ҳам ул-кан синов бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мух-бири.

ВАКОЛАТ ҲАМ, ОБРҮ ҲАМ БЎЛАДИ

Январь ойидан бошлаб Наманган вилояти тумани ва шаҳар халқ ҳокимияти идоралари ходимлари рўй-ҳақда янги лавозим пай-до бўлди. Энди ёшлар иттифоқи ташкилотларининг биринчи котиблари айни вақтда хо-кимиятнинг ўринбосарли-ги ҳам ҳисобланади. Уларнинг вазифаси ёшларни иқтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари-ни ишлаб чиқишдан, «Ўзе-бекистон Республикасида дав-латнинг ёшларга оид сиёса-ти асослари тўғрисида»ги қонуннинг рўбega чиқарили-шини назорат қилишдан ибор-рат. Янги ваколатлар улар-нинг обрў-эътибори кўтари-лишига кўмаклашибгина қол-май, ёш авлодининг иқтимоий муҳитга кўникшини соҳаси-даги барча ташаббусларни амалга ошириш ишини анча енгиллаштиради.

Мен тест усулидаги синов-имтиҳонларни республика-мизда янада такомиллашти-риш учун қўйидаги фикр-мулоҳаза ва тақлифларни биддирамки. Маълумки, тест синовлари бу йил республикамизнинг 19 та олий билим юртида ўтказилди. Келгуси йили бу усулни республикамизнинг барча ўрта махсус ва олий ўқув юр-тларида қўллашни мақсадда мувофиқ, деб би-ламан. Бунда «Мана бу ин-ститутда бундай экан, ана у институтда бундай экан», сингари ҳар хил фикрларга ўрин қолмайди.

Тест синовларини муваф-фаиятли ўтказиш учун та-лаба танлов Маркази ва-киллариинг сонини кўпай-тириш керак. Ҳар бир му-тахассислик учун тегишли ўр-тқорлар жўнатишга янада яхши бўлади. Шунда синов-лар назорат остида тез ва нисқа муддатда тугалланади. Ҳар хил иш-мишларга ўрин қолмайди.

Бу йилги тест синовларини китоб чанлига келтириб, барча ўрта мактабларга юбо-риш лозим. Бунда ўрта мактаб ўқувчилари олий ўқув юр-тларига кириш учун пухта тайёргарлик кўра-дилар. Абитуриентларнинг билим сифати янада ортади. Жорий йилда олий ўқув юр-тига қабул этилган тест си-новлари асосида ўтказиш ва ўқув йилларида мажкур таж-рибаларни узлуksиз қўллаш қўзланган натижаларни бе-ришига ишончимиз комил-дир. Бунинг учун ўрта уму-вий таълим мактабларининг юқори синфларида бу соҳа-да бир неча бор дастлабки тажрибелар ўтказилиши, мах-сус лицейлар, фанлар чу-қурлаштирилган ҳолда ўқи-тиладиган мактаб-интернат-лар, педагогик синфларда иқтидорли ёшларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш бўйича тест синов-ларини ўтказиб туришга эътиборни кучайтириш за-рур.

(Ўзбекистон овозининг ок-тябрдаги сонини 22 январда чиқадим).

Диққат! Акмал Икромов районида-ги «ГАНГА» кооперативи ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мо-байнда қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРИНИГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Пахта сановати» илмий и-лаб-чинларини бирлашмаси на-момиси Юқори Чирчиқ каноп тажриба заводи директори, тех-ника фаилари номзоди

Набавулло ШОРАСУЛОВНИГ

бевафот вафот этганини муно-сабати билан марҳумнинг ол-диси ва яқинларига таъзия из-ҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕДАКЦИЯЛАРИ Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14. Иқтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16; Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16; 31-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Аxbорот — тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда—2-26-22, Жиззада—3-31-86, Қаршида—3-25-79, Наманганда—6-54-11, Нукусда—2-42-62, Самарқандда—35-22-90, Урганчда—6-72-60, Ферғонада—6-97-89, Термизда—2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04, Вилоят бўйича 32-26-70. Навбатчи мухбир: А. БОЛИЕВ.